# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2006 YIL 8 AVGUST, SESHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 95 (7.088). Sotuvda erkin narxda


## Августдаги зарбдор меҳнат – пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

# Эгатлар ҳам китобдай варақланади

***Кеча пайкал оралаб, ғўзанинг пастки шохларида бир-иккитадан чаноқ чамандек очилганини кўрдим. Етилган кўсакларни санасам ўртача ўн, ўн иккитадан экан. Яна беш-олтитадан гул ҳам бор. Бу албатта, шу кунгача қилган меҳнатимиз, пешона теримиз самараси. Энди бундан буёғига тунги суғоришни, культивацияни бўшаштирмасак, пахта пайкалларини тез-тез оралаб, ғўза эгатларини варақлаб турсак, кўзлаган ниятимизга етамиз.***

Фермер хўжалигимиз аъзоларига тушлик пайтида бу ҳақида айтганимда, улар орасида сафимизга янги қўшилганлари ҳам бор-да, "китоб варақланишини, дафтар варақланишини-ку биламиз. Ҳеч жаҳонда ғўзаям варақланадими, Баҳодир ака?" деб қолишди. Баъзилар бу гапдан кулишди ҳам. Ҳа, дедим мен ёшларга қарата, ғўза ҳам варақланади. Бу айни ҳозир ўсимликнинг пастки ярусида кўсаклар очила бошлаган пайтида, айниқса, сув билан ҳаводек зарур. Сабаби ғўза шохлари тиғиз, кўсаклари пишиб етилиб келяпти. Агар шу кунларда пахтазорни эгатма-эгат оралаб, китоб варақлагандек кун оша кўздан кечириб турмасак, ўша биринчи бўлиб очилган, очилаётган кўсаклар пўпанак босиб қолади. Кам деганда 4-5 тадан очилган нишона пахтамизни йўқотиб қўямиз. Бу эса 3-4 центнер ҳосил йўқолди, дегани бўлади. Шунинг учун ҳам август ойида ғўза эгатларини варақлаш уни суғоришдан, культивациядан кам тадбир эмас.

Бугун чеканкани тугатдик, қатор ораларида ўт йўқ, суғориш, трактор ишлови давом этяпти, буёғига пахта пишаверади, деб ўйлаган деҳқон қаттиқ адашади. Ўт борми-йўқми шу кунларда албатта, эгатма-эгат юриб, ғўза бағрини ёриб, варақлаб чиқиш керак. Шундай қилинганда, ғўза бағрига шабада киради, биринчи очилган чаноқлар яхши етилиб, чигити тўлади, кўсаклар салқинда ўсган гулдек имилжириқи бўлиб қолмайди.

Биз ҳар йили шундай қиламиз. Теримга киришишимизга бир ҳафта қолгунгача даламизни оралашни, эгатларни варақлашни канда қилмаймиз. Бу ёғини сўрасангиз, муттасил ҳам мўл, ҳам сифатли ҳосил олишимизнинг сири-синоати ҳам асли шунда.

**Баҳодир МАЪМУРОВ,**
**Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги "Маъмур" фермер хўжалиги раҳбари.**

---

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Замонавий саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг ғоят муҳим илмий ва технологик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан илмий-техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш илмий жамоалар ижодий фаоллиги рағбатлантирилишини, уларнинг саъй-ҳаракатлари реал якуний натижаларга эришишга сафарбар қилинишини, фан ва техника тараққиётининг долзарб масалалари ҳал қилинишини, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлади. Илмий-техника соҳасида халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларга қарамай, илмий-техника салоҳиятининг ривожланиш даражаси ортиб бораётган талабларга, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар суръатларига тўлиқ жавоб бермайди.

Илмий дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш, илмий-техника ишларини молиялаш механизми тубдан қайта қурилиши лозим. Давлат илмий-техника дастурлари, лойиҳалар иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ривожланиши учун масъул вазирликлар ва идораларнинг фаол иштирокисиз, чуқур ва ҳар томонлама экспертизасиз, олимлар ва мутахассислар томонидан кенг муҳокама қилинмай шакллантирилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Молиявий маблағларнинг тор доирадаги экспертлар хулосаси асосида тақсимланишини назарда тутувчи, мавжуд илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг грант тизими майда мавзулар танланишига, илмий лойиҳалар такрорланишига ва ажратилган маблағлардан самарасиз фойдаланилишига олиб келмоқда. Жумладан, агар 2000 йилда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 747 та илмий лойиҳа амалга оширилган бўлса, грант орқали молиялаш тизимига ўтилгач, мазкур дастурлар доирасида ўрганилаётган мавзулар сони 2 марта кўпайди ва 1515 тага етди.

Бугунги кунда фан докторлари ва номзодларининг 74 фоиздан кўпроғи ишлаётган, илмий тадқиқотларнинг мустаҳкам моддий-техника базаси яратилган мамлакат олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш тизими сезиларли даражада такомиллаштирилмоғи зарур. Олий ўқув юртларининг кафедралари, илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялари илмий-тадқиқот ва инновация ишларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда етакчи бўғинга айланиши керак.

Илмий-техника тадқиқотлари натижаларини амалиётга жорий этишга оид ишларнинг аҳволи ҳам қониқарсизлигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгашининг ишчи органлари ҳисобланган Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ҳамда Фан ва технологиялар маркази ўртасида яқин ва самарали ҳамкорлик йўқ. Бу эса мавзуларнинг долзарблигига, олиб борилаётган тадқиқотлар сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижрочи органлари – Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши тугатилсин.

(Давоми 2-бетда)

---

***Навоий вилояти Хатирчи туманининг Олмазор қишлоғида 6 август куни бўлган тўйнинг довруғи етти маҳаллага тарқалди...***

***...Шу қишлоқдаги 24-мактабда ўқитувчилик қилиб келаётган Азамат ака Жалилов ёшларга физика-математика фанидан сабоқ беради. Умр йўлдоши Раъно Ҳушвақтова эса туман марказий шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Нодирбек уларнинг тўнғич фарзанди.***

# Катта оиланинг бахти

Аскар бўлишни орзу қилмаган йигит кам топилади. Нодирбек ҳам ўрта мактабни тугатди-ю, ҳарбийга отланди. Соғлом, билимли, иродали ва қатъиятли йигит орзусига эришди. Бир йиллик ҳарбий хизмат давомида командирлар назарига тушган Нодирбек Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга жўнатилди. Унинг ҳаётидаги энг бахтиёр дамлар мана шу ерда бошланди.

Тинимсиз машғулотлар, ҳарбий сабоқлар унинг маҳоратини янада ошириб, жисмонан чиниқтирди. Президентимиз Ислом Каримов 2003 йили Чортоқ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлган чоғида ҳарбийларга яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, бу ерда таҳсил олаётган йигитлар билан самимий суҳбатлашди.

«Қани, кимнинг тўйи яқин?» деб сўради Юртбошимиз суҳбат асносида.

«Яқинда менинг тўйим бўлади», деди Нодирбек.

Юртбошимиз оддий курсантни ўз фарзандидек меҳр билан бағрига босиб: «Тўйга мени ҳам таклиф қилиш эсдан чиқмасин», деди.

Давлатимиз раҳбарининг бундай юксак эътиборидан руҳланган Нодирбек сержантлар мактабини аъло баҳоларга тугатди. У мамлакатимиз Шарқий ҳарбий округининг махсус қидирув-разведка взводига хизматга юборилди.

Ўтган йилнинг 13 майида Андижонда содир этилган террорчилик хуружлари кўплаб ҳарбийларимиз қатори кичик сержант Нодирбек Жалилов учун ҳам катта синов бўлди. У Андижон шаҳрининг Чўлпон номли кинотеатри ёнидаги блок-постда жанговар вазифани аъло даражада бажариб, чинакам мардлик намунасини кўрсатгани учун давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида Олмазор қишлоғида, А.Жалилов хонадонида бўлиб ўтган тўй тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, мудофаа вазири Р.Мирзаев Нодирбек Жалилов ва фарғоналик келин - Азизахон Шариповани бахт айёми билан муборакбод этиб, ёшларга Юртбошимизнинг табриги ва эзгу тилакларини етказишди ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларни топширишди.

Тўй тантаналарида Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

Келин-куёвнинг ота-оналари, қариндош-уруғ, ёру дўстлари, қишлоқ аҳли Юртбошимизнинг ёшларга билдирган холис ниятларига қўшилиб, янги оилага бахт-саодат, фаровонлик тилашди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Омилкорнинг кўсагини қурт емайди

***Бугун Қорақалпоғистоннинг ҳар бир деҳқони, ҳар бир фермери ғўзаси қошида парвона. Улар ҳосил тақдири айни шу дамларда ҳал бўлишини ўзларининг кўп йиллик тажрибаларидан яхши биладилар.***

– Ҳақиқатан ҳам августдаги зарбдор меҳнат – пахтадан юқори ҳосил олиш гаровидир, – дейди Амударё туманидаги "Хурсанд" фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Отажонов. – Эрта баҳордан бери қилган меҳнатларимиз салмоғини кўп жиҳатдан мана шу ойдаги саъй-ҳаракатларимиз белгилайди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги нишонланадиган йилда 45 гектар майдонимиздан 105 тонна пахта ҳосили топширишни режалаштирганмиз. Шу кунгача уч марта озиқлантирдик, беш марта культивация ўтказдик. Айни кунларда ғўзаларни тунда суғоришга, культивацияга зўр беряпмиз. Лозим ерларга шарбат оқизяпмиз.

Қанғликўл туманидаги "Д.Абдуллаев" фермер хўжалиги далалари ҳам кўзни қувонтиради. Мазкур фермер хўжалигига қарашли 20 гектар ердаги ғўза ривожи кўнгилдагидек, ҳар тупида 10-12 тадан бўлиқ кўсак бор. Хўжалик етакчиси Дарёбой Абдуллаевнинг таъкидлашича, ҳосилга-ҳосил қўшиладиган август ойидаги забрдор меҳнат то теримгача давом эттирилади.

Ғўза зараркунандаларига қарши курашда биоусул ҳам самаралилиги, ҳам фойдалилиги билан деҳқонларга қўл келмоқда.

– Бунда табиат мувозанати бузилмайди, – дея ўз фикрини билдиради Хўжайли тумани Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди етакчиси Ойша Маткаримова. – Аниқроқ айтсам, кимёвий препаратлар табиат жониворларининг фойдалисини ҳам, зарарлисини ҳам бирдай қириб юборади. Соғлиққа ҳам зарарли. Бир гектар майдондаги ғўзага етарли бўлган бир грамм, яъни 200 минг дона трихограмма етиштириш учун атиги 575 сўм сарфланади. Шунча жойга сепиладиган кимёвий дорилар эса 33-40 минг сўм туради.

Бир сўз билан айтганда, қорақалпоғистонлик пахтакорларнинг шу кунлардаги фидокорона меҳнати жорий йилда мўл, сифатли, таннархи арзон ҳосил олинишидан далолат бермоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

---



Бу йил мева ҳар йилгидан ҳам мўл бўлиб, эҳтиёждан ортиқчасини қуритиш, консерва тайёрлаш учун катта имконият вужудга келди. Шунинг учун ҳам бу борада мамлакатимиз барча ҳудудларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хўжаобод туманидаги «Мадиёробод» номли мева қуритиш цехи ишга тушганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай жамоа аъзолари тайёрлаётган маҳсулотлар довруғи водий оша қўшни мамлакатларга ҳам ёйилди. Бу ерда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш билан бирга унинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

**СУРАТДА**:Сарвиноз Алдашева, Махлиё Тўрабоева, Нафиса Турсунқулова.

**Х.АРАББОЕВ олган сурат.**

---

# Кўздан нари эътибордан четдами?

***Мусобақадошлар ҳам, мутахассислар ҳам аксарият катта йўл ёқасидаги далаларни кўришади. Транспорт ета олмайдиган темир йўл бўйидаги ғўзалар кўпинча назардан четда қолади, ночорроқ бўлади. Худди шунинг учун ҳам наманганлик мутахассислар ана шу майдонлардаги пахта пайкалларини синчиклаб кўришга қарор қилишди.***

Кузатиш жараёнида талайгина пахтазорлар алоҳида парваришга муҳтож экани аён бўлди. Ўт қўйилган буғдойпоялари-ю ўзбошимчалик билан экилган такрорий экинлар ҳам, чанқаган ва кўллаган, ҳашарот кемирган ёки чеканкаси тугалланмаган майдонлар ҳам бисёр эди.

Поп туманидаги "Сирдарё" ва Худайберганов номли ММТП ҳудудида жойлашган қатор фермер хўжаликларида чеканка сифатсиз ўтказилган. Сув тақчил йилда такрорий экин экишга ружу қўйилган. Бундай ҳолни Тўрақўрғон, Наманган, Уйчи, Норин туманларида ҳам кўриш мумкин. Чортоқ туманидаги "Айқирон" ширкат хўжалигида кўчат сийракроқ бўлса, Навоий номли хўжаликда эса ҳосил зараркунандалари кўпайиб кетган.

Афсуски, ғўза парваришидаги нуқсонлар шундангина иборат эмас. Бегона ўт босган майдонлар анчагина, суғориш сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Айрим ерларда сув исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда.

Темир йўл бўйларида вилоятнинг оз эмас 15 минг гектардан ортиқ пахтазори борки, бу ялпи майдоннинг 15 фоизини ташкил этади. Ана шу ердаги аҳвол билан танишгач, вилоят мутасаддилари ғўза парваришини ҳар қачонгидан кучайтириш билан юқоридаги сингари камчиликларни август ойи охиригача тўлиқ тугатиш зарур, деган хулосага келишди.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

---

## "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" танловига

# Истиқлол – бахтим, саодатим...

**V**

### Теран томирлар

***Ер юзида нима кўп – дарахт кўп. Атрофимизда ҳам кам эмас. Лекин ҳаммамиз ҳам уларнинг номини билавермаймиз. Тошкентда арғувон деган дарахт ўсади. Апрелларда худди бошига қирмизи рўмол ўрагандек чаман бўлиб гуллайди. Ҳофиз, Деҳлавий, Навоий, Бобур, Фузулий, Бедиллар кўп шеърларида бу дарахтни тимсол қилиб ёзган.***

Каминага бу табиат мўъжизасининг бошқа жиҳати кўпроқ ёқади: агар унинг таналарини кесиб, батамом каллаклаб ташласангиз ҳам, томири ерда бўлса, гуллайди – танаси, пўстлоқлари чечак отади...

Халқ, миллат ҳам шундай: томири мустаҳкам бўлса, ахир бир кун гуллайди!

Истиқлол шуни кўрсатди.

Президент Ислом Каримов масалани, ҳар қайси халқнинг илдизи қанча мустаҳкам бўлса, келажаги шунча порлоқ бўлади, деган тарзда муайянлаштирди.

1996 йилнинг ўзи бир тарих эди.

(Давоми 4-бетда)

---

*Лафз*

***Мамлакатимизда бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, асосан, фермерлар зиммасига тушмоқда.***

Маҳсулот ҳажмини оширишда ва уни ўз вақтида етказиб беришда фермерлар билан тайёрловчи корхоналар ўртасида тузилган контрактация шартномаларининг муддатида бажарилиши муҳим ўринни эгаллайди.

# Мажбурият ва бурч масъулияти

Авваламбор шартнома деб Фуқаролик Кодексининг 353-моддасида белгилаб қўйилганидек икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги келишувга айтилади.

(Давоми 2-бетда)

---




# Дунё саҳнасида

---

*Қарор ва ижро*

***Юртимиз азалдан ўзининг ширindan-шакар мева-чевалари, анвойи узумлари, бу бебаҳо неъматлардан тайёрланадиган турфа хил ва ноёб ноз-неъматлари билан машҳур.***

Президентимиз қарори билан жорий йил бошида "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниясини "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниясига айлантиришдан мурод ҳам соҳани ҳар томонлама ривожлантириб, янги техника ва технологияни жорий этиш билан узумдан тайёрланадиган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборат эди.

# Узумнинг баҳоси қанча?

**Мавсум остонада кутиб турибди, бу ҳақда аниқ тўхтамга келиш фурсати етди.**

(Давоми 2-бетда)

---

# Қум тушмаган қорачўғ

**Маъмун академиясининг 1000 йиллигига**

***Тарихдан биламизки, мамлакатимизда турли соҳалар бўйича илмий изланишлар олиб борувчи олиму фозил-фузалолар кўп бўлган. Араблар истилосидан кейин Хоразм, Шош (Тошкент), Фарғонадан анчагина олимлар Бағдод халифалигига олиб кетилган эди. Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун ибн Рашид халифалиги даврида Бағдодда "Байт ул-Ҳикма" ("Олимлар уюшмаси") ташкил топганди.***

Ўшанда хоразмлик машҳур олим – алгебра ва алгоритмнинг отаси ҳисобланган Мусо ал-Хоразмий ҳамда унинг ўғиллари Шокир, Аҳмад, Ҳасанлар, фарғоналик Аҳмад Фарғоний, Тошкентдан Толиб ибн Зокир аш-Шоший, Хоразмдан Аббос ибн Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдулло Марвазийлар уюшманинг ўзагини ташкил этганлар.

Бу илм-фан марказида жаҳонга таниқли қирқдан ортиқ алломалар ҳар бир соҳада игна билан қудуқ кавлашдек изланиш олиб боришган. Улар илм-фаннинг барча соҳалари: астрономия, тиббиёт, жўғрофия, фалсафа, математика, таржимонлик, мусиқа, тарих, ер усти ва ер ости бойликларини ўрганиш, адабиёт, тилшунослик, ўсимликлар, зироатчилик – қишлоқ хўжалиги ҳамда чўлларга сув чиқариш кабилар бўйича илмий ишлар олиб борганлар. Кашфиётларни эса амалда қўллаганлар. Жумладан, баландликка сувни тўлқин кучидан фойдаланиб чиқариш, яъни, тўлқин кучи билан тепаликка чиққан сув аввалига ортга қайтаради, кейин эса тепаликдаги ариқ (ариқ – асли айириқ дейилган) бошига ҳовузча кавланган, кейинги тўлқин кучи билан тепаликка чиққан сув эса ҳовузчадаги сувни ариққа қувлаб, унинг ўрнини эгаллаган.

(Давоми 4-бетда)

